




**New Day in Medicine**  
**Новый День в Медицине**

**NDM**



# TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



**AVICENNA-MED.UZ**



ISSN 2181-712X.  
EiSSN 2181-2187

**3 (53) 2023**

**Сопредседатели редакционной коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,  
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

**Ред. коллегия:**

М.И. АБДУЛЛАЕВ  
А.А. АБДУМАЖИДОВ  
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ  
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ  
М.М. АКБАРОВ  
Х.А. АКИЛОВ  
М.М. АЛИЕВ  
С.Ж. АМИНОВ  
Ш.Э. АМОНОВ  
Ш.М. АХМЕДОВ  
Ю.М. АХМЕДОВ  
Т.А. АСКАРОВ  
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)  
Е.А. БЕРДИЕВ  
Б.Т. БУЗРУКОВ  
Р.К. ДАДАБАЕВА  
М.Н. ДАМИНОВА  
К.А. ДЕХКОНОВ  
Э.С. ДЖУМАБАЕВ  
А.Ш. ИНОЯТОВ  
С. ИНДАМИНОВ  
А.И. ИСКАНДАРОВ  
С.И. ИСМОИЛОВ  
Э.Э. КОБИЛОВ  
Д.М. МУСАЕВА  
Т.С. МУСАЕВ  
Ф.Г. НАЗИРОВ  
Н.А. НУРАЛИЕВА  
Б.Т. РАХИМОВ  
Ш.И. РУЗИЕВ  
С.А. РУЗИБОЕВ  
С.А.ГАФФОРОВ  
Ж.Б. САТТАРОВ  
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)  
И.А. САТИВАЛДИЕВА  
Д.И. ТУКСАНОВА  
М.М. ТАДЖИЕВ  
А.Ж. ХАМРАЕВ  
А.М. ШАМСИЕВ  
А.К. ШАДМАНОВ  
Н.Ж. ЭРМАТОВ  
Б.Б. ЕРГАШЕВ  
Н.Ш. ЕРГАШЕВ  
И.Р. ЮЛДАШЕВ  
Д.Х.ЮЛДАШЕВА  
А.С. ЮСУПОВ  
М.Ш. ХАКИМОВ  
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)  
DONG JINCHENG (Китай)  
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)  
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)  
В.А. МИТИШ (Россия)  
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)  
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)  
А.А. ПОТАПОВ (Россия)  
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)  
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)  
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)  
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)  
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

[www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)

<https://newdaymedicine.com>

E: [ndmuz@mail.ru](mailto:ndmuz@mail.ru)

Тел: +99890 8061882

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН  
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ  
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал*

*Научно-реферативный,*

*духовно-просветительский журнал*

**УЧРЕДИТЕЛИ:**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ  
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский  
исследовательский центр хирургии имени  
А.В. Вишневского является генеральным  
научно-практическим  
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных  
изданий, рецензируемых Высшей  
Аттестационной Комиссией  
Республики Узбекистан  
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)  
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)  
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)  
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)  
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)  
У.К. КАЮМОВ (Ташкент)  
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)  
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)  
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)  
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)  
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

**3 (53)**

**2023**

*март*

Received: 20.02.2023, Accepted: 25.02.2023, Published: 05.03.2023.

УДК 616.65-006.6-084

## ХАВФИ ЮҚОРИ БЎЛГАН ХУДУДЛАРДА ЭРКАКЛАР ОРАСИДА ПРОСТАТА БЕЗИ САРАТОНИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШ ВА ЎЛИМ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Ризаев Ж.А. <https://orcid.org/0000-0001-5486-9403>

Рахимов Н.М. <https://orcid.org/0000-0001-5272-5503>

Кадыров Х.Х. E-mail: [kadiriyx@mail.ru](mailto:kadiriyx@mail.ru)

Шаханова Ш.Ш. <https://orcid.org/0000-0003-0888-9150>

Самарқанд давлат тиббиёт университети Ўзбекистон, Самарқанд, Амир Темур, Тел: +99818 66 E-mail: [sammi@sammi.uz](mailto:sammi@sammi.uz)

### ✓ Резюме

*Простата бези саратоми дунё бўйлаб эркакларда саратон касалликлари орасида иккинчи энг кенг тарқалган онкопатология бўлиб, ўлимнинг сабаби бўйича бешинчи ўринда туради. Простата бези саратоми эрта босқичида асимптоматик кечиши мумкин ва шунинг учун кўпинча фақат фаол мониторингни талаб қилади. GLOBOCAN 2018 маълумотларига кўра, 2018 йилда дунё бўйлаб простата бези саратоми билан 1 276 106 та янги ҳолати қайд этилган, бу кўрсаткичлар орасида ривожланган мамлакатларда анқланиш даражаси юқорироқ бўлган. Дунё бўйлаб касалланиш даражасидаги фарқлар диагностик тестлардан фойдаланишдаги фарқларни акс эттиради.*

*Калит сўзлар: Простата бези саратоми, юқори хавф бўлган ҳудудлар, эркаклар, ўлим кўрсаткичи.*

## ЗАБОЛЕВАЕМОСТЬ И СМЕРТНОСТЬ ОТ РАКА ПРЕДСТАТЕЛЬНОЙ ЖЕЛЕЗЫ СРЕДИ МУЖЧИН В РАЙОНАХ С ВЫСОКИМ РИСКОМ

Ризаев Ж.А., Рахимов Н.М., Кадыров Х.Х., Шаханова Ш.Ш.

Самаркандский государственный медицинский университет Узбекистан

### ✓ Резюме

*Рак простаты является второй по распространенности онкопатологией среди видов рака у мужчин во всем мире и пятой по значимости причиной смерти. Рак простаты может протекать бессимптомно на ранней стадии и поэтому часто требует только активного наблюдения. По данным GLOBOCAN 2018, в 2018 году во всем мире было зарегистрировано 1 276 106 новых случаев рака простаты, причем уровень осведомленности среди этих цифр был выше в развитых странах. Различия в уровне заболеваемости во всем мире отражают различия в использовании диагностических тестов*

*Ключевые слова: рак предстательной железы, зоны повышенного риска, мужчины, уровень смертности*

## PROSTATE CANCER MORBIDITY AND MORTALITY AMONG MEN IN HIGH-RISK AREAS

Rizaev J.A., Rahimov N.M., Kadirov X.X., Shaxanova Sh.Sh.

Samarkand State Medical University Uzbekistan

### ✓ Resume

*Prostate cancer is the second most common cancer among cancers in men worldwide and the fifth leading cause of death. Prostate cancer can be asymptomatic at an early stage and therefore often requires only active surveillance. According to GLOBOCAN 2018, there were 1,276,106 new cases of prostate cancer worldwide in 2018, with awareness rates among these figures being higher in developed countries. Differences in incidence rates worldwide reflect differences in the use of diagnostic tests*

*Keywords: prostate cancer, high-risk areas, men, mortality rates*

## Долзарблиги

Бутун дунё бўйлаб простата беши саратони билан касалланиш ва ўлим даражаси ёшнинг ўсиши билан боғлиқ бўлиб, ташхис қўйилган ўртача ёш 66 ёшни ташкил қилади. Шуниси эътиборга лойиқки, афроамерикалик эркеклар оқ танли эркекларга қараганда кўпроқ касал бўлиб, ҳар 100 000 эркекка 158,3 янги ҳолат аниқланган ва уларнинг ўлим даражаси оқ танли эркекларникига қараганда икки баравар юқори кўрсаткичларни қайд этган.

Ушбу номувофиқликнинг сабаблари ижтимоий, экологик ва генетик омилларнинг фарқлари билан боғлиқ деб тахмин қилинади. 2040 йилга бориб 2 293 818 та янги ҳолат кутилаётган бўлсада, ўлим даражасида юқори кўрсаткич кузатилмайди (1,05% ўсиш). Простата беши саратони билан касалланиш минтақа ва аҳоли сонига қараб фарқ қилади 1-расм [2]. 2018 йилда дунё бўйлаб простата беши саратони билан 1 276 106 та янги ҳолатлар қайд этилган, бу эркеклардаги барча саратонларнинг 7,1 фоизини ташкил қилади [1]. Простата беши саратони билан касалланиш даражаси бутун дунёда жуда фарқ қилади. Ёш бўйича стандартлаштирилган кўрсаткич (АСР) энг юқори Океанияда (100 000 кишига 79,1) ва Шимолий Америкада (73,7), кейин эса Европада (62,1) эди. Аксинча, Африка ва Осиёда касалланиш даражаси ривожланган мамлакатлардагидан паст кўрсаткичларни ташкил қилди (мос равишда 26,6 ва 11,5) [2]. Касаллик даражасидаги фарқлар энг юқори кўрсаткичга эга бўлган популяциялар (Франция, Гваделупа, 189,1) ва энг паст кўрсаткичга эга бўлган популяциялар (Бутан, 1,0) ўртасида 190 баробар ташкил қилди. 2018 йилда бутун дунё бўйлаб эркеклар, шу жумладан барча ёшдагилар орасида простата беши саратони билан касалланишнинг ёшига қараб стандартлаштирилган кўрсаткичларини кўрсатадиган харита [marchart.net](http://marchart.net) билан яратилган. Маълумотлар Globocan 2018 дан олинган [4]. Простата беши саратони билан касалланиш ёш бўйича ортиб боради [2]. 50 ёшгача бўлган 350 эркекдан фақат биттасида простата беши саратони ташхиси қўйилган бўлса-да [3], касалланиш 50 ёшдан 59 ёшгача бўлган ҳар 52 та эркекдан 1 тагача ошади. 65 ёшдан ошган эркекларда касалланиш деярли 60% ни ташкил қилади [4].

Мамлакатлар ўртасидаги бу фарқларнинг сабаби тўлиқ аниқ эмас. Дунё бўйлаб простата беши саратони билан касалланишдаги фарқлар ПСА тести билан боғлиқ бўлиши мумкин [2,4]. Мисол учун, Европада простата беши саратони эркеклар орасида энг кўп ташхис қўйилган саратон бўлиб, 2018 йилда барча янги саратон ҳолатларининг 24 фоизини ташкил қилган, 2018 йилда простата беши саратони билан касалланган 450 000 га яқин янги ҳолатлар аниқланган [5].

АҚШда простата беши саратони иккинчи энг кенг тарқалган саратон бўлиб, 2018 йилда аниқланган барча янги қайд саратон ҳолатларининг 9,5 фоизини (164 690 та янги простата беши саратони ҳолати) ташкил қилди [7].

Яқинда ўтказилган тадқиқотларга кўра, АҚШ ва Европада простата беши саратонининг тахминан 20-40 фоизи кенг қамровли ПСА тести натижасида гипердиагностикаси билан боғлиқ бўлиши мумкин [6].

Россияда 2017 йилда саратон касаллиги таркибида простата беши саратони ўпка саратонидан (17,4%) кейин 2-ўринни (14,5%) эгаллади. касалланишларнинг мутлақ сони 2007 йилга нисбатан икки баравар кўпайди (20,2 мингдан 40,8 мингга). Собиқ СССР мамлакатларида простата беши саратони билан касалланиш таркибидаги улуши Тожикистон (3,2%), Қирғизистон (4,3%) ва Ўзбекистонда (5,0%) паст кўрсаткичларни, Россия, Молдова, Қозоғистон, Беларус, Украинада ва Арманистон (8,0–17,5%) энг юқори кўрсаткичларни қайд этди. Собиқ СССР республикаларида беморларнинг ўртача ёши 67 ёшдан 73 ёшгача бўлган.

2018 йилда юқори стандартлаштирилган касалланиш даражаси Австралияда (100 000 эркек аҳолига 86,4, жаҳон стандарти), Шимолий Европада (85,7), Ғарбий Европада (75,8) ва Шимолий Америкада (73,7) қайд этилган; дунё бўйича касалланиш даражаси 29,3 ни ташкил этди. Собиқ СССР мамлакатлари орасида касалланиш даражасининг сезиларли ўзгарувчанлиги қайд этилган: энг пастси - Қирғизистонда (7,1), Озарбайжонда (6,9), Ўзбекистонда (4,9) ва Тожикистонда (1,8); сезиларли даражада юқори - Молдова (18,3) [4], Украина (26,2), Қозоғистон (20,8) ва Арманистон (16,6) [5], энг юқори - Беларус (67,4) ва Россияда (40,5). Охириги 5 йил ичида стандартлаштирилган кўрсаткичларнинг ўсиши 2-6% дан (Арманистон ва Тожикистонда) 21-43% гача (Россия, Беларус, Украина, Озарбайжон ва Қирғизистонда) бўлган. Ўзбекистон ва Молдовада эса 63-66 фоиз даражасида бўлган. Россия худудлари орасида простата беши саратони билан касалланишнинг максимал ва минимал стандартлаштирилган кўрсаткичлари нисбати 4 бараварга, ўлим кўрсаткичлари эса 10 бараварга етди.

Ўзбекистоннинг кўплаб ҳудудларида простата беzi хавфсиз ўсмаларининг профилактикаси ва диагностикаси бўйича замонавий имкониятлари яқин вақтгача тўлиқ талаб қилинмаяпти, бу эса уларга бириктирилган ҳудудлардаги айрим онкологик тиббиёт муассасаларининг иш сифатига шубҳа қилиш учун асос бўлмоқда. Простата беzi саратони (шунингдек, барча онкопатологиялар) билан касалланиш ва ўлимнинг асосий кўрсаткичларини яхшилаш бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, саратон хавфи бўлган аҳоли гуруҳлари билан ишлаш ва аҳоли ўртасида санитария-маърифий тадбирларни назорат қилиш орқали намоён бўлади. Бу чора-тадбирлар натижада хавфли ўсмалар ривожланишини жуда эрта босқичларида аниқлаш имкониятига эришилади.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Ушбу патология хавфи юқори бўлган ҳудудларда эркаклар орасида простата беzi саратони билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини ўрганиш.

### **Материал ва усуллар**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудий онкология диспансерларининг 2015-2020 йилларга мўлжалланган расмий маърузаларидан олинган маълумотлар – "Хавфли ўсма касалликлари тўғрисида ҳисобот" (рўйхатга олиш шакли №7-ССВ) ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2015-2020 йиллардаги аҳоли сони, жинси ва ёш таркиби бўйича ҳудудлар кесимидаги маълумотлари. Простата беzi саратони билан касалланишни ўрганишда асосий усул сифатида замонавий онкоэпидемиологиянинг тавсифий ва аналитик усуллари билан фойдаланган ҳолда ретроспектив тадқиқот қўлланилди. Касаллик ва ўлимнинг ЕП ва ГП замонавий санитария статистикасида қўлланиладиган умумий қабул қилинган методологияга мувофиқ аниқланади. Тадқиқотлар уч босқичда амалга оширилди: биринчи босқичда РИО ва РИАТМ саратон касалликлари реестридаги материалларни тўлдириш ва ўрнатиш амалга оширилди; иккинчи босқичда – РИО ва РИАТМ ҳудудий филиаллари бўйича; учинчидан – Самарқанд вилояти Саратон касалликлари рўйхатига кўра.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 7-ССВ шаклидаги ҳисоботи ва ҳисоб ҳужжатларидан республика бўйича бирламчи аниқланган простата беzi саратони билан касалланган беморлар тўғрисида маълумотлар тўпланди - мутлақ рақам (МКБ-10 С61 код бўйича), уларнинг ёш тақсимоти, простата беzi саратонидан ўлим - мутлақ рақам (код бўйича МКБ-10 С61).

Иккинчи босқичда минтақалар (вилоятлар) бўйича бирламчи аниқланган простата беzi саратони билан касалланган беморлар тўғрисида маълумотлар тўпланди - мутлақ сони (МКБ-10 С61 код бўйича), уларнинг ёши, простата беzi саратонидан ўлим - мутлақ сони (код бўйича - МКБ-10 С61).

Учинчи босқичда Самарқанд вилоятида простата беzi саратони билан янги аниқланган беморлар тўғрисида маълумотлар тўпланди - мутлақ рақам (МКБ-10 С61 код бўйича), уларнинг ёши бўйича тақсимоти, простата беzi саратонидан ўлим ҳолатлари - мутлақ рақам (МКБ-10 С61 код бўйича).

Қабул қилинган маълумотлар маълумотлар базасини электрон шаклда - жадваллар (Ексел) яратиш билан жадвалларга гуруҳланган.

Простата беzi саратонидан ўлим кўрсаткичлари, касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини ҳисоблашда ишончли маълумотларни олиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасига республика аҳолисининг йиллик сони тўғрисида республика бўйича ва тадқиқот даври учун ҳудудлар кесимида ёш тақсимоти бўйича маълумот бериш учун сўров юборилди.

Олинган статистик маълумотлар асосида простата беzi саратони билан оғриган беморларнинг кўпол ёшига хос кўрсаткичлар ва аҳоли бўйича стандартлаштирилган (жаҳон стандарти) касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари график ва бўшлиқли таҳлил усуллари таҳлил қилинди, ҳар бир минтақада простата беzi саратони учраш даражасини хариталаш бўйича ҳисоблаб чиқилди.

### **Натижа ва таҳлиллар**

Тадқиқотимиз 2016 йилдан бошлаб 2021 йилгача бўлган давр учун Ўзбекистон Республикасида биринчи аниқланган простата беzi саратони билан касалланганлар сони 10713 тани ташкил этди ва шу вақт ичида барча хавфли ўсмалар (ХЎ) 159112 тани ташкил этди, шундан 19979 таси онкоурологик патологияни ташкил қилди. 2016-2019 йиллардаги тадқиқот даври учун Ўзбекистонда простата беzi саратонидан 5569 та ўлим ҳолати қайд этилган. Простата беzi

саратонидан вафот этганлар сони ёшга қараб қуйидагича тақсимланди: 15 ёшгача - қайд этилмаган, 15-44 ёш орасидагиларда – 1156 та; 45-64 ёшда 3346 та; 65 ёш ва ундан катталарда – 1167 та .

1-жадвал.

**2009-2016 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида простата беи саратони билан янги аниқланган беморларнинг умумий сони (ҳудудлар бўйича камайиш тартибида).**

Худудлар	Беморлар абсолют рақами	%
Ўзбекистон Республикаси	10713	100,0
Тошкент шаҳар	1190	11,1
Наманган	1179	11,0
Андижон	1176	11,0
Фарғона	1088	10,2
Тошкент вилояти	1043	9,7
Қорақалпоғистон Р.си	851	7,9
Хоразм	834	7,8
Самарқанд	831	7,8
Қашқадарё	650	6,1
Бухоро	507	4,7
Сурхандарё	473	4,4
Жиззах	392	3,7
Навоий	271	2,5
Сирдарё	228	2,1

2-жадвал.

**Ўзбекистонда 2009-2016-йилларда простата беи саратони билан янги аниқланган беморларнинг ёши бўйича тақсимланиши**

Худудлар	Ёши				жами
	0-15	15-44	45-64	65+	
Андижанская Андижон		333	717	126	1176
Бухоро		148	311	48	507
Жиззах		103	258	31	392
Қашқадарё		207	379	64	650
Навоий		94	152	25	271
Наманган		347	730	102	1179
Самарқанд		245	511	75	831
Сирдарё		69	134	25	228
Сурхандарё		154	268	51	473
Тошкент шаҳар		288	661	241	1190
Тошкент вилояти	1	281	626	135	1043
Фарғона		317	618	153	1088
Хоразм		233	504	97	834
Қорақалпоғистон Р.си		211	528	112	851
Ўзбекистон Республикаси	1	3030	6397	1285	10713

**Ўзбекистон Республикасида 2009-2016 йиллар учун простата безисаратонидан вафот этган беморларнинг умумий сони (минтақалар бўйича камайиш тартибид).**

Худудлар	Беморлар абсолют рақами	%
Ўзбекистон Республикаси	5569	100,0
Тошкент шаҳар	722	13,0
Тошкент вилояти	694	12,5
Қорақалпоғистон Р.си	582	10,5
Фарғона	538	9,7
Андижон	513	9,2
Хоразм	434	7,8
Самарқанд	386	6,9
Наманган	374	6,7
Қашқадарё	330	5,9
Бухоро	287	5,2
Сурхондарё	248	4,5
Жиззах	230	4,1
Сирдарё	138	2,5
Навоий	93	1,7

**Ўзбекистон Республикасида 2009-2016 йилларда простата безисаратонидан ўлим ҳолатларининг ёшга қараб тақсимланиши**

Худудлар	Ёши				Жами
	0-15	15-44	45-64	65+	
Андижон		102	317	94	513
Бухоро		69	171	47	287
Жиззах		62	121	47	230
Қашқадарё		77	182	71	330
Навоий		25	58	10	93
Наманган		96	187	91	374
Самарқанд		67	258	61	386
Сирдарё		39	78	21	138
Сурхондарё		50	151	47	248
Тошкент шаҳар		113	374	235	722
Тошкент вилояти		134	402	158	694
Фарғона		138	315	85	538
Хоразм		91	254	89	434
Қорақалпоғистон Р.си		93	378	111	582
Ўзбекистон Р.си	0	1156	3246	1167	5569

Касаллик ва ўлим динамикасини таҳлил қилиш кўпол ва стандартлаштирилган кўрсаткичлар асосида амалга оширилди. Касаллик ва ўлим кўрсаткичларини ҳисоблаш, уларни стандартлаштириш аниқ фарқларни кўрсатади, унга кўра фарқларни қиёсий баҳолаш республиканинг барча худудларида амалга ошириш мумкин. Шундай қилиб, касалланишнинг ўртача йиллик стандартлаштирилган кўрсаткичига кўра Қорақалпоғистон Республикасида энг юқори – 16,2 (кўпол кўрсаткич– 12,4), энг пастси эса – Сурхондарё вилоятида – 6,9 (кўпол кўрсаткич– 5,2) бўлди.

Ўртача йиллик стандартлаштирилган ўлим кўрсаткичини ҳисоблаш шуни кўрсатдики энг юқори кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида 11,8 (кўпол кўрсаткич – 8,5), энг паст кўрсаткич эса Навоий вилоятида 3,1 (кўпол кўрсаткич – 2,6) бўлди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида 2009 йилдан 2016 йилгача бўлган кузатув даврида простата беги саратони билан касалланиш ва ўлим даражасининг "кўпол" ва "стандартлаштирилган" кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Илмий тадқиқотда биринчи марта

Ўзбекистон Республикаси бўйича простата беши саратонининг эпидемиологик ва минтақавий хусусиятлари кўриб чиқилди.

### Хулоса

Шундай қилиб, 2021 йил учун простата беши саратони билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари ўрганилди, уларни жаҳон стандартига мос равишда стандартлаштириш, ўртача йиллик ўртача ёшни аниқлаш, Ўзбекистон Республикаси ва минтақалар бўйича тенденциялари, ўсиш/камайиш суръатларини ҳисоблаш, башорат кўрсаткичларини ўрганилди. Ўзбекистон Республикасида 2020-йилда простата беши саратони билан касалланишнинг кутилаётган кўрсаткичлари 9,8+0,050/0000, ўлим даражаси эса 6,6+0,040/0000 ни ташкил қилади. Бундан ташқари, простата беши саратони билан касалланиш ва ўлим даражасини баҳолаш бўйича олинган статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси хавф даражалари ва маъмурий-худудий бирликларига қараб, унинг хариталаниши билан 5 та – юқори, ўрта ва энг паст хавфли зоналарга бўлинган. Келгусида Ўзбекистонда простата беши саратонининг тарқалиш хусусиятларини баҳолаш учун минтақага қараб эркакларнинг репродуктив тизимларининг функционал ҳолатини ўрганишни назарда тутувчи мақсадли дастурлар тўпламини ишлаб чиқиш зарур.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ni Y. Interdisciplinary and Integration Aspects in Structural Health Monitoring. Mechanical Systems and Signal Processing. 2012;28:1-696. doi: 10.1016/j.yms-sp.2012.01.001
2. Здоровье населения региона и приоритеты здравоохранения / под ред. акад. РАМН, проф. О.П. Щепина, чл.-корр. РАМН, проф. В.А. Медика. М.: ГЭОТАР-Ме-диа, 2010.
3. Каприна А.Д., Старинского В.В., Петровой Г.В. Злокачественные новообразования в России в 2016 году (заболеваемость и смертность) / М.: ФГБУ «Московский научно-исследовательский онкологический институт им. П.А. Герцена» - филиал ФГБУ «Национальный медицинский исследовательский радиологический центр» Минздрава России, 2018.
4. Siegel RL, Miller KD, Jemal A. Cancer Statistics, 2016. C.A. CancerJ. Clin. 2016;66(1):7-30. doi: 10.3322/caac.21332
5. Архипова О.Е., Черногубова Е.А., Чибичян М.Б., Коган М.И. Эпидемиология рака предстательной железы в Ростовской области. Пространственно-временная статистика. Онкоурология. 2016;12(4):52-59 doi: 10.17650/1726-9776-2016-12-4- 52-59
6. Boffetta P, Nyberg F. Contribution of environmental factors to cancer risk. Br. Med. Bull. 2003;68:71-94. doi: 10.1093/bmb/ldg023
7. Гончаров В.Г., Урбан Г.А. О состоянии окружающей среды и природных ресурсов Ростовской области в 2016 году. // Экологический вестник Дона, Доступно по <http://xn--d1ahaoghbejbc5k.xn--p1ai/upload/iblock/d09/vestnik-2.pdf> Ссылка активна на 2017;10(11).

**Қабул қилинган сана 20.02.2023**